

INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2025 / 6



@QMI_Institut



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



www.kstu.uz
www.ojs.qmii.uz

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

3-jild
6-son
noyabr, 2025

November 2025
Volume 3
Number 6

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY
Electronic Scientific and Practical
Journal

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Qarshi davlat texnika universiteti

Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov, PhD

Qarshi davlat texnika universiteti

*Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda
jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.*

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

"Innovatsion iqtisodiyot" ilmiy - amaliy
O'zbekiston elektron jurnali ta'lim, fan va
innovatsiyalar Respublikasi Oliy vazirligi
huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi**
rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli
qarori bilan milliy ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

**Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar
nashr etiladi:**

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko'rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

*Ovchinnikov Viktor Nikolayevich - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal
Universitet, Rossiya)*

Solodovnikov Sergiy Yurevich - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Sidorov Viktor Aleksandrovich - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

*Kusainov Xalel Xaymullievich - i.f.d., professor, akademik (Qozog'iston Respublikasi
Milliy fanlar akademiyasi)*

*Samandarzoda Iskandar Hakim - i.f.d., professor (SH.Shotemur nomidagi Tojikiston
agrar universiteti)*

*Gibadullin Artur Arturovich - i.f.n. dotsent (Milliy tadqiqot universiteti, Moskva
energetika instituti, Rossiya)*

*Voynash Sergey Aleksandrovich - i.f.n. dotsent (Qozon Volga bo'yi (federal)
universiteti)*

*Pulyayeva Valentina Nikolayevna - i.f.d. professor (Rossiya Federatsiyasi hukumati
qoshidagi moliya universiteti)*

*Morkovkin Dmitriy Yevgeniyevich - i.f.d. professor (Rossiya Federatsiyasi hukumati
qoshidagi moliya universiteti)*

*Sadriddinov Manuchehr Islomiddinovich - i.f.d., professor, (Tojikiston Respublikasi
Milliy fanlar Akademiyasi)*

*Perskaya Viktoriya Vadimovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Molchanov Igor Nikolayevich - i.f.d., professor, (Lomonosov nomidagi Moskva davlat
universiteti)*

*Basova Mariya Mixaylovna - i.f.d., professor, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Chupin Aleksandr Leonidovich - i.f.d., professor, (P.Lumumba nomidagi Rossiya
xalqlar do'stligi universiteti)*

*Nezamaykin Valeriy Nikolayevich - i.f.d., professor, (Rossiya davlat gumanitar
universiteti)*

*Nikonorova Alla Vladimirovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Dmitriyeva Olga Aleksandrovna - i.f.n., dotsent, (Rossiya Federatsiyasi hukumati
huzuridagi Moliya universiteti)*

*Shvets Yuriy Yuryevich - i.f.n., dotsent, (Rossiya Fanlar akademiyasining Nazarot
fanlari instituti)*

*Kolosova Yelena Valeryevna - i.f.n., dotsent, (Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot
universiteti)*

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Bozorov Orifjon Shodiyevich - t.f.n., dotsent

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Vaxabov Abduraxim Vasikovich - i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Yakubova Shamshinur Shuxratovna - i.f.d. dotsent

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Jonuzokov Mirzabek Kulmatovich - i.f.f.d. (PhD), dotsent

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг минтақавий мақсад ва вазифалари

Эргашев Олим

Региональные цели и задачи создания особых экономических зон

Эргашев Олим

Regional goals and objectives of the establishment of special economic zones

Ergashev Olim

Received: November 14, 2025 Revised: November 17, 2025

■ Accepted: November 20, 2025 ■ Published Online: December 1, 2025

- **Аннотация:** Ушбу мақолада махсус иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг асосий мақсад ва вазифалари бўйича маҳаллий ва хориж инвестицияларини жалб этиш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётжараёнлари бўйича илмий асосланган тақлиф ватавсиялар келтирилган. Шунингдек, минтақаларда махсус иқтисодий зонани ташкил этиш мақсадлари ва асосий хусусиятларини асослаб бериш ва амалиётга қўллашнинг услубий таъминотини яхшилашга қаратилган масалалар ёритилган.
- **Калит сўзлар:** махсус иқтисодий зона, эркин иқтисодий зона, ҳудудлар, ресурслар, ЯИМ, самарадорлик, лойиҳалар, инвестиция, тадбиркорлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт.
- **Аннотация:** В данной статье представлены научно обоснованные предложения и рекомендации по процессам социально-экономического развития регионов путем привлечения местных и иностранных инвестиций по основным целям и задачам создания особых экономических зон. Также освещены вопросы, направленные на совершенствование методического обеспечения реализации и обоснование целей а также основных особенностей создания особой экономической зоны в регионах.
- **Ключевые слова:** особая экономическая зона, свободная экономическая зона, регионы, ресурсы, ВВП, эффективность, проекты, инвестиции, предпринимательство, социально-экономическое развитие.
- **Abstract:** This article presents scientifically based proposals and recommendations on the processes of socio-economic development of regions by attracting local and foreign investments on the main goals and tasks of the establishment of special economic zones. Also, issues aimed at improving the methodical provision of implementation and substantiation of the goals and main features of the establishment of a special economic zone in the regions are highlighted.
- **Key words:** special economic zone, free economic zone, regions, resources, GDP, efficiency, projects, investment, entrepreneurship, socio-economic development.

■ КИРИШ

Махсус иқтисодий ҳудудлар дунёнинг кўплаб давлатларида кенг ёйилган. XX асрнинг охирида дунёда турли хилдаги 4 мингдан ортиқ махсус иқтисодий ҳудудлар мавжуд эди. Ғарб мутахассисларининг фикрича 2004 йилга келиб жаҳон товар айланмасининг 30%и турли махсус иқтисодий ҳудудларда рўй берди. Халқаро корпорациялар ўз фаолиятлари учун имтиёзли шароитларни қидириб, махсус иқтисодий ҳудудларни кўп фойда олиш мумкин бўлган жой сифатида кўришади. Махсус иқтисодий зоналарни (МИЗ)ташкил этиш орқали ҳудуд ривожини учун муҳим бўлган ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий илғор технологиялар ва пухта ўйланган менежмент тизими қўлланилишини йўлга қўйиш, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш, мазкур соҳага таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда иссиқбол кўрсаткичларини баҳолаш каби масалалар бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Агар мамлакатда 2008-йилда дастлабки Навоий эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб 24 та эркин иқтисодий зона ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ташкил этилган МИЗларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида лойиҳаларни жойлаштириш учун лойиҳаларни танлашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишда ташкил этиладиган иш ўринлари сони, салоҳиятли хорижий шерикнинг аниқлигини таъминлаш, маҳсулотга бўлган ички ва ташқи талаб, экспорт ҳажми каби омилларни тадқиқ этиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш механизмидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эркин иқтисодий зоналар фаолияти учун зарур муҳандислик-коммуникация инфратузлимасини ўз вақтида барпо этиш, таклиф этилётган инвестиция лойиҳаларининг маҳаллий ва хорижий кредит ресурслари билан таъминлаш, уларга бириктирилган тижорат банкларининг фаолиятини жонлантириш, эркин иқтисодий зоналарида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш

қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми, яратилган иш жойлари сонининг тасдиқланган бизнес-режа параметрларига тўғри келишини таъминлаш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши махсус иқтисодий зоналарнинг жорий ҳолатини таҳлил этиш, истиқболдаги мумкин бўлган ҳолатларини прогноз қилиш ва баҳолаш орқали самарадорлик даражасини ошириш йўллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблигини намоён этади.

■ МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Махсус иқтисодий зоналар бўйича олимларнинг изланишлари натижасига кўра, муваффақиятли махсус иқтисодий зоналарнинг даромади мамлакат ЯИМда 5-ўринга, шунингдек, мамлакат ялпи экспорт ҳажмининг қарийб 40-60% қисми, барча хорижий инвестицияларнинг 30% дан 80% гача қисми айнан махсус иқтисодий зоналар орқали кириб келади. Махсус иқтисодий зоналарнинг ривожланишини тадқиқ этиш, самарадорлигини баҳолаш масалалари, МИЗларни ташкил этилишида ўрганилиб чиқилиши лозим бўлган жиҳатлар П.Радослав[2], С.Вен[3], У.С.Тиэфенбрун[4] илмий изланишларида эркин иқтисодий зоналарнинг ўзаро бир-биридан фарқланиши томонидан илмий тадқиқ этилган.

Шунингдек, МДХ давлатлари олимлари тадқиқотларида жумладан, Э.С.Капустина[5], Кабанова Е.Е.[6], Игнатов В.Г., Бутов В.И.[7], Александрова Е.[8], Бюрго Ж.[9], Афонин А.Р.[10], Р.И.Зименков[11] илмий изланишларида самарали ва самарасиз фаолият юритаётган МИЗларни аниқлаш масалалари кўрсатиб ўтилган.

МИЗларнинг самарали фаолият юритиши, уларнинг фаолияти таҳлили, ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз даражалари, эркин иқтисодий зоналар яратилиш мақсадлари, турлари, ҳуқуқий асослари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.В.Вахабов[12], Ҳамдамов М., Худойназаров Н.[13], Хўжаев Б.А.[14]каби иқтисодчи олимлар эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини мутлақ ва нисбий миқдор кўрсаткичлар бўйича баҳолаш тизими тадқиқотларида ўз аксини топган.

Тадқиқот методологияси. Минтақада махсус иқтисодий зонани ташкил этиш мақсадлари ва асосий хусусиятларини асослаб беришда ва амалиётга қўллашнинг услубий таъминотини яхшилашга қаратилган масалалар, мантиқий фикрлаш, қиёсиё таҳлил, суровнома ва иқтисодий таҳлилаш ва тизимли

таҳлил билан изоҳланади.

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

“Махсус иқтисодий зона” атамасининг қўлланилиши албатта, маъно жиҳатидан “Эркин иқтисодий зона”дан кенгроқ ҳисобланиб, ўз ичига нафақат бизга маълум бўлган “зона”ни балки, юқори технологик зоналар, илмий зоналар, Махсус иқтисодий зоналар, туристик-рекреацион зоналар, яшил зона ва хавфсиз зоналарни ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча махсус иқтисодий зоналар давлатни иқтисодий барқарорлиги, ижтимоий фаровонлигини таъминлаш доирасида: иқтисодий, инновацион, ресурс, ташкилий ва ижтимоий функцияларни амалга оширади. Махсус иқтисодий зона функциялари доимийлик тавсифига эга бўлган ҳолда, истеъмолчилар учун товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, янги ғоя, янги восита, омил ва технологияларни шакллантириш, ресурс ва ишлаб чиқариш омилларидан оқилона ва самарали бирлаштириш, тактик ва стратегик мақсадларни амалга оширади. Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш эса жамиятда тадбиркорларни кўпайиши, иш жойларни ташкил этилиши, ишчилар турмуш даражаси ва ижтимоий ҳолатини яхшиланишига хизмат қилади. Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш, мамлакатда амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий тизим остида бўлади.

Биз шуни айтишимиз мумкинки махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш – тадбиркорликка лаёқатли инсонларни қўллаб-қувватлаш, янги иш жойларини ташкил этиш, ишчилар даромадларини кўпайтириш, малакасини ошириш, маданий ҳордиқ олиши ва соғликларини яхшилаши ҳамда оилавий турмуш фаровонлигини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ҳудудий ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни ифодалайди.

Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш:

- тадбиркорликка бўлган иштиёқни шакллантириш ва тадбиркорликни кўпайтириш;
- янги иш жойларини ташкил этиш;
- мақбул даромадларни шакллантириш;
- қулай меҳнат шароитларини ташкил қилиш;
- аҳоли учун ижтимоий инфратузилмани яратиш.

Давлатларда амал қилаётган ижтимоий-иқтисодий моделлар асосида махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш шаклланади.

“Махсус иқтисодий зоналар – чекланган ҳудудлар, шаҳарлар, денгиз ва авиацион портлар бўлиб, уларда ташқи савдо, умумиқтисодий, ижтимоий,

илмий-техник ва илмий-технологик масалалари ечимига қўмаклашадиган, миллий ва хорижий тадбиркорлар учун махсус имтиёзли иқтисодий шароитлар амал қилади.

Биз юқорида махсус иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг хусусиятлари ва турли ижтимоий моделлар шароитида уларни амал қилишлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар асосида, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амал қилишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

□ инсон ёши меҳнатининг унумдорлигидан қатъий назар бир ҳилда қадрланиши керак, яъни ижтимоий ёрдам барчага тамойили;

□ ижтимоий ёрдам доимийлик тамойилига эга бўлиши;

□ ижтимоий ёрдам барча шароитларга мослашувчан бўлиши, ишчилар ижтимоий шароитларини тенглаштиришга йўналтирилиши.

Биз ўйлаймизки махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш бугунги куннинг ҳаётий ғоясига айланиши керак. Чунки махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ўзбек тадбиркори томонидан ўзини англаш, имиджни шакллантириш, инновация ва мақсад сари интилишни ифодалайди. Худди шу йўналишдаги тадбиркорлар “Янги Ўзбекистон”да ривожланишнинг янгича моделларини илгари сура оладилар.

Жаҳон амалиётида махсус иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг иккита йўли мавжуд.

Биринчиси – “ҳудудий ёндашув”, яъни махсус иқтисодий зоналар муайян имтиёзли тартиб жорий қилинган аниқ ҳудуд сифатида қаралади.

Иккинчи ёндашув – “тизимли”: махсус иқтисодий зоналар муайян шартларга амал қилган ҳолда муайян имтиёзлар тақдим этилган аниқ мажмуавий корхона сифатида қаралади.

Махсус иқтисодий ҳудудлар фаолиятини жаҳон фанида чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш XX асрнинг 70 йилларида бошланди. Ҳозирги замон илмий адабиётида, мамурий ҳужжатларда, амалиётда, Махсус иқтисодий ҳудудларни билдирувчи хилма-хил атамалар қўллашади: “Махсус иқтисодий ҳудуд”, “Технологик ҳудуд”, “Махсус божхона ҳудуди”, “Махсус иқтисодий ҳудуд”, “Махсус тадбиркорлик ҳудуди”, “Махсус экспорт ҳудуди”, “Махсус савдо ҳудуди”, “Божсиз ҳудуд”, “Қўшма тадбиркорлик ҳудуди”.

Халқаро ташкилотлар ҳисоботларида ва илмий нашриётларда турли ҳилдаги ҳудудларнинг моҳиятини ёритишда “Махсус иқтисодий ҳудуд” терминидан фойдаланадилар. Бироқ, бу термин унинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. У ерда қўлланиладиган иқтисодий қоидалар, махсус маъмурий қонунлар, шу ҳудудда фаолият юритадиган тадбиркорларни аниқ

белгиланган ҳуқуқий ва ҳў жалик режимларидан бутунлай озод қилмайди, балки уларни енгиллаштиради, маълум имтиёзлар беради. Шунинг учун ҳам ЭИХни “Махсус” эмас, махсус иқтисодий ҳудуд деб аташ ўринли. МИЗ Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги ҳодиса бўлганлиги сабабли, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг ушбу истиқболли йўналиши бўйича жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда уларни тезкор равишда шакллантириш, МИЗ фаолияти учун зарур меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ҳамда тегишли мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш зарур.

МИХлар нафақат горизонтал (яъни ҳудудий), балки вертикал (яъни тармоқли) фаолият кўрсатади. Биринчи

ҳолда МИХ чекланган майдонга эга бўлади, аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, баъзан бутун мамлакат МИХга айланиши мумкин. Шундай, хорижий инвесторлар, қўшма корхоналар, ўрта ва кичик бизнес учун имтиёзлар яратаётганда, ҳукумат баъзан мамлакатда “микроМИХлар” ташкил қилаётганини англамайди. Бу МИХлар тор ихтисосликдаги масалаларни ҳал этадилар, бироқ макроиқтисодий вазиятга жиддий таъсир кўрсатмайдилар. Иккинчи ҳолда, муайян тармоқнинг баъзи корхоналари ҳамда шу тармоқнинг ўзи (масалан, қишлоқ хўжалиги, олтин қазиб олиш, машинасозлик) ҳам фақатгина уларнинг фаолиятига тегишли бўладиган имтиёзларга эга бўлади: Ўзбекистон учун дейлик, бу туризм бўлиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Махсус иқтисодий зоналар ва эркин зоналарнинг турлари¹

МАХСУС ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР	ЭРКИН ЗОНАЛАР
Юқори технологик парклар	Экспортга йўналтирилган зоналар
Илмий парклар	Махсус савдо зоналари
Илмий-технологик зоналар	Ягона корхона жойлашган Махсус зона
Махсус иқтисодий зоналар	Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш Савдо билан алоқадор Ташқи Махсус тадбиркорлик ҳудудлари
Хизматлар парки	Ташиш ва Кўп мақсадли Ички, ташқи, экспорт зоналар
Яшил зоналар	Кичик шаҳарларни ривожлантириш Кўп мақсадли ички қўллаб-қувватлаш ҳудуди
Хавфсиз зоналар	Махсус савдо ташқи, ички, реекспортга қўмаклашиш ҳудудлари

Туризмни ривожлантириш зоналари ва ҳ.к. Махсус портлар Комплекс ривожланиш зоналари

1-жадвал маълумотларига мувофиқ, Махсус савдо ҳудудлари ҳам, Махсус экспорт ҳудудлари ва Махсус портлар ҳам асосан ривожланган мамлакатлар тажрибасига хос бўлиб, экспорт, реекспорт ва импортнинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Махсус ҳудудлари эса АҚШ ва Буюк Британия тажрибасига хос бўлиб, аҳолининг яшаш даражаси ва сифати мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан паст бўлган ҳудудларда қўлланилиб, турли имтиёз ва преференциялар орқали ҳудудда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ва бу орқали аҳолининг яшаш даражасини оширишга, кичик шаҳарларда ҳам аҳолининг яшаб қолишига имконият яратади. Ўзбекистон Республикасининг “Махсус

иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ^[1], махсус иқтисодий мзоналар Махсус иқтисодий зоналар, махсус илмий-технологик зоналар, туристик-рекреацион зоналар, Махсус савдо зоналари, махсус саноат зоналари каби турларга ажратилади.

Махсус иқтисодий зона — янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини

1 Муаллиф ишланмаси

ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд. Махсус илмий-технологик зона — инновация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида илмий ташкилотлар ва илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар (технологик парклар, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) тўпланган ҳудуд. Туристик-рекреацион зона — унда замонавий туристик инфратузилмаобъектларини (меҳмонхонакомплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларни), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шартшароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд. Махсус савдо зоналари консигнация омборларини, махсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳудудларни, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўрабжойлаш, саралаш, сақлаш учун майдончаларни ўз ичига олади. Махсус иқтисодий зоналарнинг техник-иқтисодий асослари ташкил этилишда қуйидаги 8 та бўлимларни ўз ичига олиши лозим:

- МИЗни ташкил этиш мақсадлари;
- МИЗни ташкил этиш шартлари;
- МИЗ учун ер ажратиш асослари ва ажратилган ҳудуднинг хусусиятлари;
- МИЗни ривожлантириш истиқболлари ва дастурлари;
- МИЗни яратиш учун зарур бўлган ресурслар;
- МИЗ ишлаш механизми;
- МИЗни ташкил этиш ва фаолияти бўйича ташкилий тадбирлар;
- МИЗни ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш.

Биринчи бўлим қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: маълум бир МИЗни ташкил этиш заруриятининг асоси; ривожланишининг асосий йўналишлари; МИЗни ташкил этишнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, аниқ чоратадбирларни белгилаб олиш (иқтисодий салоҳиятни ошириш, тажриба ошириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий кадрлар малакасини ошириш ва бошқа масалалар билан боғлиқ вазифалар).

Иккинчи бўлим юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун МИЗ ташкил этилиши кўзда тутилган ҳудуддаги зарур шарт-шароитлар мавжудлиги тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўз ичига олиши керак. Шундан келиб чиқиб, иккинчи бўлимда минтақанинг нафақат иқтисодий аҳволи, балки яқин келажакда унинг ўзгариш тенденцияларини акс эттирувчи

иқтисодий хусусиятлари бўлиши керак. Минтақада махсус иқтисодий зонани яратиш учун ижобий шартлар сифатида қаралиши мумкин бўлган иқтисодий хусусиятларга энг катта эътибор берилиши керак. Ушбу хусусиятларга қуйидагилар киради: ҳудуднинг етарлича экспорт салоҳияти мавжудлиги; табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси; ташқи иқтисодий фаолият учун қулай географик жойлашув; транспорт тармоғининг ривожланиш даражаси; халқаро даражадаги иш тажрибаси; малакали кадрлар билан таъминланганлиги.

Рўйхатда келтирилган хусусиятлардан ташқари, ушбу бўлимда махсус иқтисодий (ёки божхона) режимни жорий қилиш орқали бартараф этиш мумкин бўлган ҳудуд иқтисодиёти ривожланишидаги салбий тенденциялар ҳам акс эттирилиши керак.

Учинчи бўлимда қуйидагилар бўлиши керак: МИЗ учун ажратилган ҳудуд ҳажми ва чегаралари тўғрисида маълумот (ҳудуд режасини илова қилган ҳолда) ҳамда ушбу ҳудудни танлашга бўлган асос ва хусусиятлар.

Тўртинчи бўлим иқтисодий ҳудудда фаолият юритадиган корхоналар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, шунингдек умумий МИЗ ривожланиши истиқболлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олиши керак. Бунда МИЗ фаолиятига махсус иқтисодий шароитларни жорий қилиш орқали (масалан имтиёзли божхона ва солиқ режимлари, солиқ ва бошқа турдаги кредит имтиёзларини тақдим этиш орқали) корхоналар фаолиятида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий афзалликлардан келиб чиқиб, ушбу истиқболлар баҳоланиши ва прогнозлаштирилиши керак.

Бешинчи бўлимда МИЗ ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш жараёнида аниқланган молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятлари кўрсатилиши керак. Бунда молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжни қондириши мумкин бўлган барча потенциал манбалар ҳисобга олиниши керак. Жумладан: солиқ кредити маблағлари, хорижий инвестициялар, маҳаллий юридик шахсларнинг инвестиция маблағлари, давлат томонидан ажратилган маблағлар, ҳудудга янги корхоналарни жалб қилиш орқали келиб тушган маблағлар, махсус божхона ва бошқа турдаги субзоналарни ташкил қилиш натижасида олинadиган маблағлар, қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳисобига аҳолидан жалб қилинган маблағлар ва бошқа турдаги ресурслар бунга мисол бўлиши мумкин.

Олтинчи бўлимда инвесторлар учун жозибадорлик касб этадиган МИЗ фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа шарт-шароитлари аниқланиши ҳамда ёритилиши керак. Бу жараёнда, энг муҳими имтиёзли солиқ ва божхона режимлари жорий этилиши инobatга

олиниши керак.

Еттинчи бўлимда МИЗ ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуини аниқлаб, кўрсатиб ўтиш керак.

Саккизинчи бўлимда МИЗни ташкил этиш ва ривожлантиришга ажратилган харажатлар (ресурслар) ҳамда унинг фаолияти натижалари ўрнатидаги нисбат асосида аниқланадиган МИЗни ташкил этиш самарадорлигининг умумий баҳоси белгиланиши, кўрсатилиши керак. Мамлакатлар МИЗни ташкил қилишда ўз олдига қўйган мақсадлари ҳам турлича. Баъзи мамлакатлар ҳудудлари орқали муайян минтақаларидаги ишсизлик паст даражадаги иқтисодий – ижтимоий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга уринишади. Бошқаларида интегратив иқтисодий механизм, самарали жамғариш, хўжалик юритиш ва бошқаришнинг илғор хорижий тажрибаларини тарқатиш, маҳаллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш воситаси сифатида жамият манфаатлари учун МИЗлардан фойдаланилади.

Иқтисодий мақсадлар:

□ махсус имтиёзли иқтисодий механизмлар, барқарор қонунчилик асослари ва турли ташкилий жараёнларни соддалаштириш орқали хорижий ва миллий капитални

жалб қилиш;

□ тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, оқилона импорт ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш механизмини ташкил қилиш учун халқаро географик меҳнат тақсимооти ва халқаро капитал айланиши афзалликларидан фойдаланиш;

□ мамлакат ва минтақа бюджетига келиб тушадиган валюта тушумларининг ўсиши;

□ турли ТИФ шакллари; барча ташкилотлар ва МИЗлар корхоналарига йўл очиш орқали ташқи савдо монополияларини йўқ қилиш.

Хулоса. Биринчидан, мамлакатда МИЗни ташкил этишнинг асосий мақсади, мамлакатни халқаро меҳнат тақсимооти ривожланиш жараёнига чуқурроқ жалб қилиш. Иккинчидан, МИЗни ташкил қилишнинг яна бир мақсади, мамлакат ички бозорини импорт товар ўрнини боса оловчи сифатли маҳсулот билан тўйинтириш. Учинчидан, махсус иқтисодий ҳудуд ташкилотчилари халқаро савдо бозорида фақатгина ишлаб чиқариш линияси бўйича иштирок этишга эътибор берибгина қолмайди, ундан ташқари, туризм соҳасига, маданият соҳасига, санатория-курорт соҳасига ҳам эътибор қаратади. Тўртинчидан, МИЗнинг мақсади мамлакатда маҳаллий ҳамда чет эл илмий техникасининг ишлаб чиқаришда тезроқ ва кенг кўламли ривожланиши

таъминлаш, келажакда улардан самарали фойдаланиш ва уларнинг натижаларини мамлакат миллий иқтисодиёти ривожига акс эттириш. Бешинчидан, ривожланаётган мамлакатларда ташкил қилинадиган МИЗнинг мақсади мамлакатдаги ишчи кучини, инженерларни, хўжалик ишдагиларни ва бошқарув фаолиятини олиб боровчи кадрлар тайёргарликларини ва малакасини ошириш. Олтинчидан, МИЗнинг муҳим мақсадларидан бири – бу маълум бир ҳудуддаги иқтисодиётнинг ривожланишига ёки аниқ бир тармоқнинг ривожланишига туртки бўлиш. Еттинчидан, баъзи-бир мамлакатларда ЭИЗга маълум бир минтақани замонавийлаштириш, ривожлантириш усули каби қаралади. ЭИЗ мамлакатда ҳукум сураётган иқтисодиётнинг қайсидир туридан замонавий бозор иқтисодиётига ўтишга ёрдам беради.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш мақсади ва вазифалари аввало белгилаш ҳудудларни жадал ривожлантириш ҳамда иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Muallif haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Олим Эргашев-ҚарДТУ мустақил изланувчиси / Эргашев Олим-ҚарГТУ- независимый исследователь / Ergashev Olim-KarSTU independent researcher

► eolimbek@mail.ru

■ 0009-0002-3335-8167

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-604-сон 17.02.2020. <https://lex.uz/docs/4737511>
2. Radoslaw P “Special Economic Zones effectiveness assessment based on the adjusted enclave model. The Case of Poland”, Dissertatsiya, 2016.
3. S.Ven “Special Economic Zones as a Tool for Accelerating Economic Growth”. Dissertatsiya. Kombodja Taraqqiyot Instituti, PhD, 2018.
4. U.S. Tiefenbrun “Foreign Trade Zones of the United States, Free Trade Zones of the World, and their Impact on the Economy”, Dissertatsiya, 2016
5. E.S.Kapustina “Отценка эффективности функционирования особых экономических зон в России”, 2012.
6. Кабанова Е.Е. Проблемы развития социальной инфраструктуры средних городов в современной России (на примере города Гус - Хрустальный). Материалы Ивановских чтений. 2015. № 5. С. 29-34.
7. Игнатов В. Г., Бутов В.И. – “Свободные экономические зоны” – Москва, 1997 г. с.22-30;

8. Александрова Е. «Специальные экономические зоны в мировом хозяйстве / Внешнеэкономическая деятельность» №10, 1997 г.
9. Бюрго Ж. “Свободные зоны как средство экономического развития”, Регион: экономика и социология. 1995. - № 1.
10. Афонин А.Р. Особенности и перспективы индивидуального предпринимательства в сфере создания центров образовательных услуг. Санкт-Петербургский имени В. Б. Бобкова филиал. Российской таможенной академии, 2018. – 160 с. : ил. – Библиогр.: с. 149-159 (101 назв.)
11. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. Ўқув қўлланма.- М.: Юнити, 2005. – 7-бет
12. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010.
13. Хамдамов М., Худойназарова Н. “Хитой Халқ Республикасида махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари”. Мақола. – “ Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі, №4, 2015
14. Хўжаев Б.А. Мамлакат рақобатбардошлигини баҳолашнинг методик усуллари, “Халқаро муносабатлар” журанали Н-3, ЖИДУ 2005, 37-бет